

ШАХСНИНГ АЙБИНИ ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН БАХСЛИ ВАЗИЯТЛАР ЁХУД ҚОНУНДАГИ БЎШЛИҚЛАР

Шавкат Файзуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВ

Мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

fayzullayevshavkat0@gmail.com

Аннотация

Мақолада ЖПКда ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан уни қўллаш ҳамда фуқароларнинг сарсонгарчилигини, процессуал чиқимларни, қўриқлов остидаги шахсларнинг қочиб кетишини олдини олиш, иш самарадорлигини ошириш ҳамда масофавий тергов ҳаракатларини қўллаш доирасини кенгайтириш борасидаги таклифлар илгари сурилган ва илғор хорижий давлатларнинг қонунчилиги билан тўлиқ асосланган.

Таянч сўзлар: видеоконференцалоқа, масофавий тергов ҳаракати режими, жиноят процесси, тергов топшириғи, процессуал ҳаражатлар, жиноятчининг қочиш хавфи, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, илтимоснома.

КОНКРЕТНЫЕ СИТУАЦИИ, ВОЗНИКАЮЩИЕ В ПРОЦЕССЕ ДОКАЗЫВАНИЯ ВИНЫ ТОГО ИЛИ ИНОГО ЛИЦА ИЛИ ПРОБЕЛЫ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

Шавкат Файзуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВ

Независимый исследователь

Академия Министерства внутренних дел

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье представлен углубленный анализ правил, установленных УПК, и конкретных вопросов, возникающих в связи с их применением сотрудниками органа предварительного следствия, и предложений, основанных на их решении, озабоченности граждан, увеличении процессуальных издержек, увеличении числа служебных задержаний, предотвращении побега лиц, находящихся под стражей, расширение спектра дистанционных следственных действий.

Ключевые слова: видеоконференцсвязь, режим дистанционного расследования, уголовное процесс, следственное поручение, процессуальные действия, риск побега преступника, обеспечение безопасности участников разбирательства, ходатайство.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби исботлаш жараёнига ҳам кундан-кунга янги усуллар ва техник воситалар кириб келмоқда. Мисол учун, Буюк Британияда 2015 йилда рақамли офис инфратузилмаси жорий этилиши иш юзасидан сарфланган қоғоз миқдорини 500 тоннага, даъво аризасини топшириш учун сарфланган вақтни эса 15 иш кунидан 10 дақиқагача қисқаришига олиб келди. 2023 йилга келиб, ҳар йили 2 миллиондан ортиқ иш ҳақиқий суд залларидан ташқарида кўриб чиқилади, бунинг натижасида 244 миллион фунт стерлинг тежалишига эришилди [1].

Шундай технологиялар сафига тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишни ҳам киритиш мумкин.

2019 йил 23 май куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-542-сон Қонуни қабул қилинган [2]. Ушбу Қонунинг 9-моддасига кўра, мутлақо янги тергов ҳаракатларини ўтказиш режими қонунчиликка жорий этилди. Жорий Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига яна 4 та прим моддалар киритилди. Булар 91¹,91²,91³,91⁴-моддалар ҳисобланади.

Янги киритилган 91¹-моддага кўра, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчи иштирокидаги фақатгина 3 та тергов ҳаракати, сўроқ, шахсни ва нарсани таниб олиш, юзлаштириш тергов ҳаракатларини масофадан туриб амалга ошириш ҳақида қоида киритилди. Аммо ушбу қоида таҳлил қилиниб, амалиёт билан боғланганида фикримизча, бир қанча тушунмовчиликлар келтириб чиқариб, муайян тўлдиришларни тақозо этади. Жумладан, 91¹-модданинг 1-қисмида адвокатнинг қаердан туриб тергов ҳаракатларида иштирок этиш ҳақидаги савол очиқ қолган. Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган тергов ҳаракатлари юзасидан гумон қилинувчи олис туманда истиқомат қилиб, ҳимоячи гумон қилинувчининг адвокат олишга моддий имкони йўқлиги сабабли суриштирувчи ёки терговчининг ташаббуси билан давлат ҳисобидан

адвокат таклиф этилганида ва ушбу адвокат гумон қилинувчи яшаш худудидан қатнашиш ёки терговни амалга ошираётган муассаса биносидан қатнашиши мумкинлиги баҳсли масаладир. Мазкур масала ҳозир турли худудларда турлича амалга ошириб келинмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91¹-моддасининг 1-қисмига “Адвокат ёки вакил тергов ҳаракати видеоконференцалоқа режимида ўтказилганида тергов ҳаракати ўтказётган орган ёки гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи иштирок этаётган манзилдан иштирок этиши мумкин” лиги ҳақида банд киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, видеоконференцалоқадан фойдаланиш зарурияти вужудга келишига эҳтиёж туғилган бўлиб, ушбу қурилма қўлланилиши натижасида эса катта кўламдаги иш ҳажми учун кам вақт сарфлаб, мақсадга эришиш имоконияти туғилди. Мазкур режимнинг қўлланилишидан мақсад ҳам иш юзасидан қисқа вақтда самарали натижаларга эришиш ҳисобланади. Аммо, ЖПК мазкур 91¹-моддасининг 2-қисмида “Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёхуд жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра қабул қилинади” деб кўрсатилган. Мазкур қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, тергов ҳаракатига келиш имкони бўлмаган гувоҳ ёки процесс иштирокчиси илтимоснома киритиб, у билан боғлиқ тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ҳақида сўраши керак. Жиноят-процессуал кодексида эса илтимоснома албатта ёзма ёки оғзаки бўлиши ҳақида бирор-бир аниқ қоида белгиланмаган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [3;199] илтимос сўзига изоҳ берилган бўлиб, араб тилидан ўзбек тилига “ўтинч”, “авф”, муддаони қондириш ҳақида қилинган мурожаат” деб таржима қилинган. Илтимоснома эса “Илтимос хати” маъносини англатади. Ном [4] сўзи эса форс тилидан таржима қилинганида “хат”, “мактуб” маъноларини англатади. Ҳар икки сўзни

маъно жиҳатидан боғланганида “муддаони қондириш ҳақида ёзилган хат” маъносини англаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, илтимоснома *ёзма* шаклга эга бўлган мурожаат тури ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин.

ЖПК 91¹-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган тартибнинг мураккаб томони шундан иборатки, олис вилоятда яшовчи процесс иштирокчисининг *ёзма* илтимоси тергов ҳаракати ўтказилаётган манзилга етиб келгунича бир қанча вақт талаб этиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тергов қилинаётган жиноят иши муддатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Тергов муддати ва қонун устуворлигини тезкорлик билан таъминлаш мақсадида мазкур 91¹-модданинг 2-қисмига тузатишлар киритишни талаб этади. Бугунги тараққий этган замонда эса алоқанинг турли кўринишлари оммалашиб бормоқда. Шу сабабли, ушбу масалани амалиёт нуқтаи назаридан тадқиқ этиб, 91¹-модданинг 2-қисмидаги “иштирокчиларининг” сўзидан кийин *“алоқанинг ҳар қандай тури орқали оғзаки ёки ёзма”* сўзларини киритиш лозим бўлади.

ЖПКнинг 91³-моддасида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш шартлари ва тартиби белгиланган. Аммо мазкур моддаларни қўллаш механизми амалиётда кутилган натижани бера олдими?!. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ЖПКнинг видеоконференцалоқа режими қонунчиликка киритилганидан буён ишни судга қадар юритиш органлари томонидан оммалашиб улгурмади [5]. Бунга сабаб сифатида эса қонунчиликда ўрниталган тартиб-қоидаларни кўрсатиш мумкин. Жумладан, мазкур видеоконференцалоқа режимида тергов ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан топшириқ олган мансабдор шахс тергов ҳаракати иштирокчиси келишдан бош тортган тақдирда уни мажбурий тартибда келтириш масаласи топшириқни берган терговчи ёки топшириқни бажарувчи томонидан чиқарилиши мавҳумлигича қолган. Тергов ҳаракати иштирокчисини олган тан жароҳати оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида тиббий экспертиза

тайинлаш, эксперт текшируви учун намуналар олиш ҳақида қарор чиқариш, ашёлар тақдим этиш, вояга етмаган процесс иштирокчисини сўроқ қилиш жараёнида педагог ёки психологни жалб қилиш ҳақида қарорлар чиқариш масаласида ваколат топшириқ берган терговчида ёки бажарувчи терговчида бўлиши ҳақидаги мунозарали масалалар кўтарилади. Топшириққа кўйиладиган талаблар қандай бўлиши ҳақида ҳам мазкур қисмда тўлиқ маълумотлар келтирилмаган. Албатта, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш масаласи кўндаланг туради. Мазкур баҳсли масала юзасидан қуйидаги муаллифлик таклифлари илгари сурилмоқда. Жумладан, ЖПК 91³-моддасининг 1-қисми “юборади” сўзларидан сўнг *“Топшириқни бажаришда ушбу Кодекснинг 347-моддасига амал қилган ҳолда бажарувчи мансабдор шахсга ушбу топшириқни бажариши билан боғлиқ барча тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш ваколати берилади”* сўзларини киритиш лозим. Мазкур таклиф бўйича айнан терговчининг алоҳида топшириқларини бажариш билан боғлиқ 347-модда талаблари амал қилиши ҳақида банд киритишнинг сабабларидан бири сифатида 91¹⁻⁴-моддаларида тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳақидаги топшириқни бажариш имконини бўлмаганда ва бошқа вақтда вужудга келадиган мунозарали вазиятга ечим кўрсатилмаган. ЖПКнинг 347-моддасида эса терговчининг топшириқларини бажариш билан боғлиқ қоидалар акс эттирилган. Жумладан, мазкур модданинг 2-қисмида терговчининг топшириғида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилилиши, терговчининг топшириғини бу муддат ичида ижро этишнинг иложи бўлмаса, топшириқ олган шахс топшириқ берган терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда, телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қилади ва унинг кўрсатмаларига биноан топшириқни бажаришни давом эттириши кўрсатилган. Фикримизча, тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш бўйича бериладиган топшириқ ҳам том маънода

терговчининг топшириқлари бажариш тартиби кўрсатилган 347-моддада кўрсатилган талабларга амал қилинган ҳолда бажарилиши лозим бўлади. Бажариш имкони бўлмаган тақдирда эса мазкур моддада кўрсатилган тартибда топшириқ берган терговчига хабар берилиши зарур.

Ўрганишлар давомида мазкур тергов ҳаракатларини ўтказиш режимидан фойдаланишни янада жадаллаштириш борасида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Республикамизнинг барча туманларида ҳам видеоконференцалоқа хоналари мавжуд эмаслиги мазкур режимнинг бундан тезроқ оммалашishi учун салбий омиллардан бири эканлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида ЖПК 91¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган видеоконференцалоқа режими орқали ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг доираси ҳам чекланган деган хулосага келинади.

К.А.Казанцеванинг фикрига кўра, ҳар қандай далил қонунда назарда турилган тартибда олинган ва расмийлаштирилган ҳолдагина далил кучига эга бўлади [6]. Мазкур фикрга оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жинойт-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида [7] ҳам ўз аксини топган. Шундай экан бугунги амалиётда қўлланилаётган маълумот алмашиш борасидаги усулларни қонунчиликка киритиш анча самара беради.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 5-моддаси 32-бандини таҳлил қилиб, тергов ҳаракатлари процессуал ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг бир қисми деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари, Россия Федерацияси Олий судининг позициясига кўра, жинойт иши бўйича далиллар "процессуал нормаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар натижасида" олинган бўлса, йўл қўйилмайди [8]. Шундай экан, юқоридаги таклифларни қонунчиликка киритмасдан туриб, амалиётда

фойдаланиб келиниши қонунчилик нуқтаи назаридан тўғри ҳисобланмайди.

Юқоридагиларга кўра, ЖПК 91¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган видеоконференцалоқа режими орқали ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг доираси ҳам чекланган деган хулосага келинди. Чунки ушбу моддада айнан видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ҳам ўтказиш имкони мавжуд деб ҳисобланади. ЖПКнинг 142-моддасида [9] гувоҳлантириш учун асослар келтирилган. Мазкур тергов ҳаракатини ҳам айнан видеоконференцалоқа режимида ўтказиш вақт ва маблағ тежалишига олиб келувчи омиллардан бири сифатида қаралади. Чунки бугунги кун амалиётида экспертиза тайинлашдан кўра, шахсни гувоҳлантириш кам вақт талаб этганлиги сабабли кўпроқ ўтказишга ҳаракат қилинади. Экспертиза муассасалари ҳам ўз навбатида, “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2011 йил 25 июлдаги 227-сонли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 11-бандида Суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш муддатлари ушбу экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кун доирасида белгиланганлигига қатъий амал қилинади [10]. Фикримизча, вақт ва сарф-ҳаражатни тежаш мақсадида ҳам айнан гувоҳлантириш тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкинлиги ҳақида қонунчиликка қўшимча киритиш вақти келди. Ушбу таклиф қуйидагилар билан асосланади:

1. Ҳудудларда таъкил этилган махсус видеоконференцалоқа режимида тергов ҳаракатларини ўтказиш хоналарида ҳам ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш мумкинлиги.

2. Узоқ ҳудудда яшовчи процесс иштирокчисининг процессуал ҳаражатлари, ишни судга қадар юритувчи орган мансабдор шахсининг

ортиқча вақти сафланишини олди олиниши ва иш самарадорлиги таъминланиши.

3.Жинойят иши доирасида ўз вақтида қонуний қарор қабул қилиниб, давлатнинг қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси ўз вақтида бажарилиши таъминланиши.

4.Фуқаролар томонидан давлат идоралари иш тартиби ижобий баҳоланиши ва далаатга ишончи ортиши.

5.Бюджет маблағлари ортиқча сарфланиши ва хизмат сафарлари сони камайиши каби ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 198-моддасида нарсаларни уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш тартиби кўрсатилган [11]. Мазкур тергов ҳаракати масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, мазкур тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида амалга ошириш юқорида келтирилган самарадорликни таъминлаши мумкин. Ушбу тартибнинг қонунчиликка киритилиши бир қанча афзалликларга эга. Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, мавжуд қонунчиликка қуйидаги қўшимчаларни киритиш таклифи илгари сурилмоқда:

ЖПК 91¹-моддасининг 1-қисмидаги “юзлаштириш” сўзидан кийин “гувоҳлантириш, нарсаларни уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан ишни судга қадар юритиш органига тақдим қилиш” сўзлари билан тўлдириш лозим бўлади.

ЖПК 91⁴-моддасининг 5-қисмида видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд, топшириқни бажараётган мансабдор шахс ҳамда тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари томонидан имзоланиб, топшириқни бажараётган мансабдор шахс томонидан тузилган баённома суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга юборилиши кўрсатилган. Аммо баённомани юбориш учун қатъий муддат

белгиланмаган. Бу эса суриштирув муддати бир ой бўлган жиноят ишлари диорасида берилган топшириқларни муаммоли масалага айлантиради. Айрим давлатларнинг қонунчилигида ушбу тартиб аниқ муддат билан белгиланганлигини кўриш мумкин.

Туркменистан Жиноят-процессуал кодекси [12] 252¹-моддасининг 4-қисмида сўроқ, юзлаштириш ҳамда нарса ва ашёларни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати рақамли видеоалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганидан сўнг тергов ҳаракати амалга оширилган шахсларнинг турар жойидаги суриштирувчи, терговчи ёки суриштирув органи 24 соат ичида тергов ҳаракати баённомасини топшириқ берган органга юбориши кераклиги кўрсатилган. Мазкур моддатда топшириқ натижаларини юбориш учун аниқ муддат белгиланганлиги натижасида жиноят иши доирасида ўз вақтида қонуний қарор қабул қилиш имконияти таъминланган деган хулосага келамиз. Шу сабабли, ЖПК 91⁴-моддасининг 5-қисмига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

“баённома” сўзидан сўнг “алоқанинг техник каналлари орқали дархол, сўнг йигирма тўрт соат ичида” сўзлари билан тўлдириш лозим.

Юқоридагилардан хулоса шуки, қонунлар ҳамма замонларда ҳам ўзгартирилган ва такомиллашиб бораверган. Ушбу таклифларнинг илгари сурилишига ҳам муайян ҳаётий мисоллар сабаб бўлган дейиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 19 май ЎРҚ-542-сон Қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/4349703> (мурожаат вақти 29.11.2022 й)
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/acts/111460> (мурожаат вақти 07.02.2023 йил)

3. Казанцева, К. А. Понятие следственных и иных процессуальных действий / К.А.Казанцева. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2021. – № 50 (392). – С. 216-219. – URL: <https://moluch.ru/archive/392/86437/> (дата обращения: 06.02.2023).

4.Орипов С.С. Ишни судга қадар юритиш босқичида ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш: юрид.ф.б.фалс.докт. – Тошкент, 2023.

5. Постановление Пленума Верховного Суда Российской Федерации от 31 октября 1995 г. № 8 «О некоторых вопросах применения судами Конституции Российской Федерации при осуществлении правосудия» // Бюллетень Верховного Суда Российской Федерации. 1996. № 1.URL: <https://moluch.ru/archive/392/86437/> (дата обращения: 06.02.2023).

6. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20.11.2022 г.). https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31344376 (мурожаат вақти 15.02.2023 йил)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/3895986> (мурожаат вақти 06.02.2023 йил)

8. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2011 йил 25 июлдаги 227-сонли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи. <https://lex.uz/docs/1861798?ONDATE=17.03.2022>. (мурожаат вақти 07.02.2023 йил)

9.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. www.ziyouz.com. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20I.pdf

